

Наргиза ШОАЛИЕВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди
nshoaliyeva74@mail.ru

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ИШҚ ТАВСИФИ

ОПИСАНИЕ ЛЮБВИ ВО ВЗГЛЯДАХ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ

DESCRIPTION OF LOVE IN THE VIEWS OF ORIENTAL THINKERS

Аннотация: Ишқ тушунчаси кенг қамровли маъҳум тушунча бўлиб, бу туйғуни кимдир оташига ўхшатса, кимдир дардга, яна кимдир жунунлик деб билади. Мутафаккирлар фикрига кўра ишқ-муҳаббат икки турли бўлади. Биринчиси – банданинг Яратганга муҳаббати бўлиб, илоҳий ишқ ҳисобланади. Илоҳий ишқ боис банда покланади, мақомга етади. Иккинчиси – банданинг бандага муҳаббати. Бу муҳаббат одамни яшашига, ҳаёт завқини суришига чорлайди.

Калим сўзлар: Ишқ, муҳаббат, Румий, Бедил, оишқ, одам, илоҳий ишқ, ҳақ, севги.

Аннотация: Концепция любви – это в широком смысле абстрактное понятие, в котором кто-то видит огонь, кто-то боль, а кто-то безумие. По мнению мыслителей, любовь бывает двух видов. Первый – это любовь человека к Творцу, то есть божественная любовь. Благодаря божественной любви раб очищается и достигает статуса. Второй – это любовь человека к человеку. Эта любовь побуждает человека жить, радоваться жизни.

Ключевые слова: Любовь, чувство, Руми, Бедил, влюблённость, человек, божественная любовь, правда, душа.

Annotation: The concept of love is, in a broad sense, an abstract concept in which someone sees fire, someone pain, and someone madness. According to thinkers, love is of two kinds. The first is man's love for the Creator, that is, divine love. Through divine love, the slave is purified and attained status. The second is the love of a person for a person. This love encourages a person to live, to enjoy life.

Key words: Love, feeling, Rumi, Bedil, falling in love, man, divine love, truth, soul.

КИРИШ

Бу ёруғ дунёнинг мазмуни ишқ-муҳаббатдан иборат. Агарда шу туйғулар бўлмаганида эди дунё тартиботи бузилган бўлур эди. Куёшнинг тортиш кучи боис сайёралар мунтазам равишда унинг теграсида айланади. Ота-она шунга қиёсан болаларини “Айлонайин” деб эркалайдилар. Бинобарин, дунёдаги қонуният парвоналик хусусияти билан изоҳланади. Аммо, чин севги билан қалбаки севгининг фарқига бормоқ керак.

МАНБА ВА УСЛУБЛАР

Абу Ҳомид Ғаззолий қаламига мансуб “Мукошафат-ул қулуб” китобида ишқ тўғрисида шундай дейди:

Севги – бу, инсон табиатининг завқлантирувчи ҳузурбахш лаззатга майл этишидир. Севгининг олий даражаси ИШҚ дейилади. Ошиқлар ўз маъшукаларининг висолига етишмоқ учун ҳеч нималарини, ҳаттоки жонларини ҳам аямагайлар. Ҳз. Юсуфни севиб, тилларда дoston бўлган Зулайҳо бунинг ёрқин мисолидир. Чиндан ҳам, Зулайҳо ишқ йўлида молини-мулкини, ҳатто гўзаллигини ҳам йўқотади. У етмиш туяга юк бўладиган инжу жавохирларга соҳиба эди. Бебаҳо зебигардонларини Ҳз. Юсуфга бўлган ишқи йўлида сарф этади. Кимда-ким, “Мен бугун Юсуфни кўрдим!” – деса, унга қимматли маржонлардан бирини берарди. Шу тариқа, совға эта-эта, ҳеч бир нарсаси қолмайди. Ҳар нарсани “Юсуф!” деб қақирарди. Унга бўлган чексиз ишқи туфайли “Юсуф” калимасидан бошқа ҳамма сўзларни унутганди. Бош кўтариб кўкка қараса, юлдузлар маржондай тизилиб, “Юсуф” исминини ёзгандай бўлиб кўринардилар.

Яна ривоят қиладиларки, Зулайҳо имонга келиб, Ҳз. Юсуфга текканидан кейин, ўзини ул зотдан четлата ва тоат-ибодатга берилиб, узлатга чекина бошлабди. Энди бу ишқи, ишқнинг ҳақиқий соҳиби Оллоҳга қаратилган эди. Аҳвол шундай эдики, Ҳз. Юсуф уни тунда ётоққа даъват этса, у висол онини кундузга сураб, кундуз даъват этса, фурсатни тунга сураб ва шундай дерди:

– Эй Юсуф, мен сени Оллоҳни танимасдан олдин севгандим. Лекин уни танигандан кейин аслида унга оид бўлган севгидан бошқасига ўрин қолмади. Оллоҳга бўлган бу севгимга бошқани шерик қилмайман.

Яна Лайло ила Мажнун ҳикояси ҳам машҳурдир.

Мажнундан сўрабдилар:

- Исминг нима?
- Лайло!
- Лайло ўлмадимми?
- Йўқ. Лайло менинг қалбимда, ўлмади.

Мен Лайломан.

Мажнун бир кун Лайлосининг уйи олдида келади ва осмонга қараб жовдирайди. Унга дейдиларки:

– Ҳой Мажнун, осмонга қарама! Лайлосининг деразасига қара. Балки, уни кўрарсан!..

– Кўланкаси Лайлосининг уйига тушган Юлдуз менга кифоя! (8:20-21)

Ишқ-муҳаббат икки турли бўлади. Биринчиси – Оллоҳга бағишланган муҳаббат. Бу банданинг Яратганга муҳаббати бўлиб, илоҳий ишқ ҳисобланади. Илоҳий ишқ боис банда покланади, мақомга етади.

Иккинчиси – банданинг бандага муҳаббати. Бу муҳаббат одамни яшашга, ҳаёт завқини суришга кизиқтиради.

Жалолиддин Румий ижодининг ўқтомирини ҳам ишқ ва муҳаббат мавзуси ташкил этади. Унинг талқинига кўра, ишқ – ҳаётнинг эликсири, тириклик манбаи, яшашнинг ягона омили ва баҳонасидир. Фақат ишқ ўткинчи ҳаётга маъно ва мазмун бағишлайди, унга ранг беради, ўткинчи ва фоний дунёда абадийлик ва мангулик лаззатини тоташга имкон яратади. Муҳаббатдан мосуво инсоннинг қалби тош қотган ва айни замонда кемтик бўлиб, бундай инсон ҳаётида нимадир етишмаётганини сурункали равишда ҳис этиб туради. Бу мавзу Румийнинг ирфоний мазмундаги “Маснавий маънавий” ва “Девони кабир”да образли тилда теран ва нозиклик билан баён этилган. Орифлар, барча асл муҳаббатлар Ҳақданлигига эътиқод қилишади ва бутун борлиқдаги муҳаббат Ундан бошланишини таъкидлайди. Ишқ – борлиқнинг моҳияти ва яралишнинг ибтидоси бўлиб, аёл ва эркак орасидаги муҳаббат туйғуси ушбу чексиз илоҳий муҳаббатдан бир томчидир:

ای تو پناه همه روز من
باز سپردم به تو من خویشتن

Маъноси: Эй азобли кунлардан асрагувчи Яна сенга топширдим ўзимни

قلزم مهری که کنارش نیست
قطره آن، الفت مردست و زن

Маъноси: Сен чексиз меҳр-муҳаббат уммонидирсан,

Эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббат бу уммондан бир томчидир. [14:126-128]

Тасаввуфий манбаларда кўп қўлланиладиган қудсий ҳадис мазмунига кўра, Аллоҳ дастлаб махфий бир хазина бўлиб, ошкор бўлмоқни истаганидан, барча махлуқотларни ўз ишқининг кўзгуси сифатида яратди. Хусусан бани инсонда У ўз зуҳурини кўрсатган, аёл ва эркакнинг мажозий севгиси, уша мутлақ илоҳий ишқнинг жилвасидир. «المجاز فتنرة» яъни инсон бу дунёнинг муҳаббатидан Худо муҳаббатига ҳаётдаги мутлақ илоҳий ишқнинг бир босқичидир. Бу даражага эришиш учун, ошиқлардан ўзларидан кечиби, “мен” ва “сен” деган иккилик ва контрастликдан холи бўлмоқликни талаб қилинади. Бир бирлари билан бир бўлиб, бир жон бўлганда, жононга ғарқ бўладилар, шунда фанога йўл тутадилар. Мавлоно Румий орифлар тили билан қуйидаги матлабни баён қилганда киноя ва ташбеҳни қоришиқ ҳолда қўллаб, Ҳақга қаратиб хитоб қилади:

ای رهیده جان تو از ما و من
ای لطیفه ی روح اندر مرد و زن

Маъноси: Эй сенинг жонинг “сен ва мен”ликдан қутулган, Сен аёл ва эркакда латиф ва нозик бир руҳсан

مرد و زن چون یک شود آن یک تویی
چون که یکها محو شد آنک تویی

Маъноси: Аёл ва эркак бирлашса, ўша бирлашув сенсан, Улар бирлашиб фанога етганда, ўшанда ҳам сенсан

Зеро улар Худонинг ердаги соясини ошиқлари бўлиб, хилмаҳилликлари ва миқдорлари билан жаҳонни тараннум айлағай:

Ишқнинг гўзаллиги ҳам шундаки, инсонни гўзаллаштиради, яъни илоҳий мутлақ жамол кўринади, ошиқларнинг гўзаллиги Аллоҳни эслатади: «إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ وَ يُحِبُّ الْجَمَالَ» Бу икки тур муҳаббат ҳам битта мақсад теграсида туташади. У ҳам бўлса одам бўлиб туғилгандан қаноат ҳосил қилиш ҳиссиётидир.

Мансур Ҳалложни ўн саккиз кун ҳибс этадилар. Бир кун Имом Шиблий унинг ёнига келиб сўрайди:

- Эй Мансур, севги-муҳаббат нима?
- Бугун сўрама, эртага сўра.

Эртаси кун бўлди, Ҳалложни қатл этгани зиндондан чиқариб, майдонга келтирдилар. Мансур айни шу онда етиб келган Шиблийга шундай садо беради:

– Эй Шиблий, севги-муҳаббат боши ёнмоқ, оёғи қатл бўлинмоқдир!

Мансурдан сўрмишларки:

- Сен кимсан?

Жавоб бермиш:

– Мен ҲАҚман!

Ана шу сўзи учун у қатл этилганди. Масаланинг изоҳи эса мана бундай:

– Мансур шундай бир мартабага юксалгандики, унинг назарида Оллоҳдан бошқа ҳар қандай мавжудот фоний, йўқ бўлишга маҳкум ва ботил эди. Ҳақиқий борлиқ ёлғиз Оллоҳ – Ҳақ эди. Мана шу даражадаги юксак бир мартабага чиқа олган Ҳаллоҷ, ёлғиз Оллоҳнинг бир исми бўлган “ҲАҚ” (МАНЖУД) калимасини билар, ўз исмини ҳам хотирламас эди. Шунинг ўзига айтилган “Сен кимсан?” сўроғига “Анал ҲАҚ”, яъни “Мен ҲАҚман!” жавобини берганди.

Бир кун Ҳз. Исо боғ суғораётган бир навқиронга дуч келади. Йигит Ҳз. Исога: “Раббимдан менга бир зарра севги сўраб бер”, – деб арз қилади. Ҳз. Исо: “Оллоҳдан бир зарра севги сўраб берсам, сен унга бардош беролмайсан”, – деганида, йигит: “У ҳолда зарранинг ярмини берсин!” – деб ялинади. Ҳз. Исо: “Ё Раббим, бу навқирон йигитга зарранинг ярмисича севгиндан ато эт!” – дейди ва ўтиб кетади. Бир муддат кейин яна айни шу ерга келганда, у навқирон йигитни суриштиради. Одамлар:

– У ақлдан озиб қолди ва тоққа чиқиб кетди, – дейишади.

Ҳз. Исо ўша ёшни ўзига кўрсатишини сўраб, Оллоҳга дуо ўқийди ва уни тоғда бир қоянинг устида самога термилганча ўтирган ҳолда топади. Салом беради, лекин йигит саломга алик олмайди. Шунда:

– Мен Исоман, – дея садо беради. Исо алайҳиссалом.

Вале Оллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз. Исога буюрадики:

– Эй Исо, қалбида зарранинг ярмисича менинг севгим бўлган кимса инсонларнинг сўзини қандай эшитсин?! Иззатим ва жалолим ҳаққи айтаман, агар бу йигитни арра билан араласанг ҳам сезмайди. [8:22]

Чин ишқ инсон кўнглида илдиз отса уни фаришта мақомига чиқаради. Бинобарин, ишқ йўлида ақл-хушдан айрилганларга маломат қилмаслик лозим. Бу тўғрида “Ибрат мактаби” китобида шундай дейилади: “Бир киши ўз ўғлини ҳаёти учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш мақсадида бир муаллимга топширди. Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб:

– Ўғлинг ўрганишга унамаяпти, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда,– деди.

Онаси муаллимдан:

– Билолдингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил? – деб сўради.

Муаллим:

– У касб ўрганишдан ўтиб, қобилятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшуқа юзига ҳайронга ўхшайди. Мен илму имондан савол қилсам, у васлу ҳижрондан гапиради, мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам, у зулф ила ҳолдан оғиз очади! – деди.

Онаси деди:

– Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Уни озод қил! Ишқда шундай ҳосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қилади!”. [3:79-80]

Қиссадан ҳисса шуки, ишқ ўти аланга олиши одамнинг ўзига боғлиқ эмас. Бу – Оллоҳ инояти. Шу боис ишқ йўлида тушган кишиларни мазах қилиш одобга кирмайди. Ишқдаги ҳикматларни кўнгил кўзи ила кўрмоқ керак. Мана шу сатрлар муаллифи ишқ бобида шундай шеър тўқийди:

Дунёнинг мазмуни ишқдадир аён,

Ишқ ила ўзини англагай инсон.

Тунни ёритгандек тилло жилоси

Севги оташида собит дунёси.

Агар ишқ бўлмаса жаҳон ғарибдир,

Муҳаббат кучидан андуҳ арибдир.

Пок туйғу туфайли кўнгиллар тоза,

Эл ичра мақоми бўлгай овоза.

Бақо оламида қолгай умрбод,

Лайли-ю Мажнунлар, Ширину Фарҳод.

Ишқнинг асроридан бўлингиз огоҳ,

Ошиқлар қавмини қўллагай Оллоҳ. [3:79-80]

Ишқу муҳаббатга гоҳо Шайтон васвасаси, гоҳо бандасига хос қусурлар ҳалал беради. Бирон манфаат йўлида севиш эса нафс ўйинларидан бошқа нарса эмас. Зотан, инсон нафс тузоғига тушар экан, чин маънодаги роҳат-фароғатга сазовор бўла олмайди.

Муҳаббат туйғуси – беғубор туйғу. Бу борада енгил фикрламаслик лозим. Афсуски, баъзи йигит-қизлар муҳаббат деб ўйлаб, саробга юз тутадилар. Майда-чуйда ҳаваслар гирдобиди қолиб, йўлдан адашадилар. Шунда ҳаёт уларнинг кўзи ўнгтида чиройини йўқотади.

ТАҲЛИЛ

Бедил фалсафасида ахлоқий кадрият сифатида талкин этилган энг муҳим тушунчалардан бири *ишқ-муҳаббат* тушунчасидир. Бедил ҳам Румий сингари борлиқнинг яратилишидан тортиб то инсонларнинг моҳиятигача бўлган жараёни ишқ-муҳаббатсиз тасаввур эта олмайди.

Бедил наздида дил ва унинг бир банди эса бир оламдир: *Бедил, шикасти шишаи дил низ оламест. (Дил шишасининг ҳар бўлаги ўзи бир олам эрур)* [4:6]. Бир дилнинг синиши ё ўксиши бутун оламнинг бузилиши билан тенгдир.

Бедил реал ишқни, соф севгини борлиқнинг, мавжудотнинг ривож, деб билиб, уни борлиқ ва инсон ҳаракатининг манбаи деб ҳисоблайди:

بی عشق محال است بود رونق هستی
بی جلوه خورشید جهان نامه سیاه است

[<https://ganjoor.net/bidel/ghazalbi/sh563/>]

Бедил илоҳий неъмат саналмиш ишқни кадрсизлантиришда ана шундай хору зорлик, ранжу укубат аломатларини кўради. Яъни севги-муҳаббатни оёқ ости қилишни гуноҳ санайди. Бугунги оддий ҳаётимизда бу неъматни кадрламаслик эса оилалар бузилиб, жамиятда яна бир қийинчиликлар кўпайишига олиб келади.

Файласуф шоир назарида ишқ-муҳаббат илоҳийдир:

*Ишқ доғи каби нурга ниқобидир юрагим,
Оина каби дард ила софдир юрагим.
Сен сўрадинг, бердим юлиб кўксимдан,
Лаълинг бу савол, унга жавобдир юрагим.*

[9:8]

Алишер Навоий асарларида ҳам муҳаббат жуда кенг ижтимоий-ахлоқий мазмун касб этади. Ишқ Навоий назарида инсон қалбини турли иллатлар ва ҳайвоний ҳиссиётлар таъсиридан тозаловчи, инсонда юксак маънавий ҳис-туйғулар уйғотувчи руҳ ёки ахлоқий кучдир.

*Ҳар кимки муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб куйини гулшан этар,
Кўб касби зиё дўст юзидин фан этар,
Маҳбуб юзин кўрмаги, кўз равшан этар.*

[1:88]

Ишқ – бу инсон руҳининг олийжаноб ва мардона юксалиш йўли. Навоий ишқни уч турга бўлиб таҳлил қилади:

Биринчи тур – оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машхур ва кенг тарқалгандир. Айтадиларки, “Фалон одам фалончига ошиқ бўлибди”. Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг хаёли билан

юрадилар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси – шаърий никоҳ. Никоҳ барча халқлар учун умумий ва зарурийдир.

Иккинчи тур – алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан бекарор бўлади. Бунда пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади. Навоий Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва ўзини ҳам шундай ишққа эга ошиқлар қаторига киритади. “Уларнинг ҳаммасида асл сўз – ишқ ҳақидаги сўз. Кўнгилда ҳаёт нашъаси бўлса, бу – ишқнинг ўзидир”.

Учинчи тур – ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очик кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар. Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади, яъни парвонанинг шамга урилиб, ҳалок бўлишига ўхшайди. Навоий ушбу мақомга етганлар сирасига Мансур Халлож, Боязид Бистомийларни киритади. [2:53-54]

Мутафаккир шоир Алишер Навоий илоҳий ишқни қуйлаш баробарида унга етишишдаги машаққатни шундай тасвирлайди:

*Тақдир ишқ тожини қўйгач бошимга,
Ишқ юртин келтирди ул тож қошимга.
Ишқ гавҳарин дилга яширди даврон,
Ундан ўт туташди ичу ташимга.* [1:111]

Инсоннинг ўзига, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир.

Бедил Аллоҳга Куёш ва унинг бандаларига эса соя нисбатини бериб, соя муқаррар ўз Куёши – дилбарига бориб этади. Маърифат ҳосил қилиш, яъни, Аллоҳни таниш одамга хос бир нарсадир, акс ҳолда чин юракдан эмас, балки ўзини халқ олдида ҳудожўй қилиб кўрсатувчи инсоннинг саждалари ҳеч нарсага етмайди, дейди.

Мирзо Бедил ишқнинг куч-қудратини ўзининг йирик асарларидан бўлган “Комде ва Мудан” достонида тўла очиб беради. Бедил ушбу асарида соф муҳаббатни, покликни, садоқат ва адолатни, шарм ва вафони қуйлайди, уларни барча нарсдан юқори эканлигини алоҳида қайд қилади. Бу асарда раққоса киз Комде билан ажойиб созанда Мудан ўртасидаги муҳаббат

тасвирланади. Уларнинг пок муҳаббати ҳамма золимликлардан ва ҳатто ўлимдан ҳам устун чиқади. Достон Шарқда кўп тарқалган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” каби лирик қисса, аммо у фожиа билан эмас, балки муҳаббатнинг ғалабаси билан тугайди.

Бедил ўз достонида ишқ-муҳаббат олдида подшонинг қимматбаҳо совғаси арзимас бир матоҳ эканлигини, мол-дунёнинг муҳаббатдан юқори эмаслигини уқтиради. Мутафаккир муҳаббат билан бир қаторда ахлоқнинг бошқа жиҳатларига ҳам ўз эътиборини қаратади, чунки унинг томонидан илгари сурилган ишқ-муҳаббат масаласи кўплаб ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган.

Бедил зулмни, золимликни, бешафқатликни, қаҳр-ғазабни қоралайди. Бу жирканч иллатлар устидан ахлоқий фазилатлар ғалаба қозонишига ишонади. Мутафаккир мурувват, ҳиммат, инсонийлик каби ахлоқий фазилатлар, албатта, золимлик устидан ғалаба қилишига ишонади.

ХУЛОСА

Ишқ-муҳаббат мутафаккирлар фалсафасининг асоси сифатида диний ва дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этилган. *Ишқ-муҳаббат* нафақат инсоний муносабатлар замирини, балки мавжудлик, борлиқнинг асосини ҳам ҳаракатга келтирувчи, бунёд этувчи илоҳий куч сифатида талқин этилган. Ушбу ахлоқий тушунчани таҳлил этиб, қуйидаги таърифни илгари суриш мумкин:

Муҳаббат – қалбнинг мулки. Бу муқаддас туйғу ақлдан устун келиб, қалбни макон тутайди. *Муҳаббат* туйғуси макон тутган қалб соҳибида фақат эзгулик ва руҳий поклик ҳукмронлик қилади. *Муҳаббат* ўз соҳибини инсонпарвар, ватанпарвар, имон-эътиқодли, мулоимлик каби гўзал фазилатлар билан безайди. *Муҳаббат* ахлоқий тушунчаларнинг энг нафисларини, яъни *ҳаё*, *ибо*, *ор-номус*, *шафқат*, *меҳрибонлик* кабиларни тўлалигича ўзида мужассам этган ахлоқий қадриятдир. Бедилнинг таъкидлашича, фақат *муҳаббат* туфайлигина борлиқ яратилган. Ҳаёт – *ишқ-муҳаббат*нинг маҳсули. Бедил назарида, муҳаббатсиз мавжудлик йўқликдир. Барча муносабатлар, барча мавжудлик муҳаббат туфайли туғилади. Бу туйғуни инсон қалбига сингдирмасдан туриб, ахлоқ ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алишер Навоий шеърятидан / “Чор девон”дан тузувчи Ш.Шомухамедов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
3. “Ибрат мактаби”, Тўпловчи: Эргаш Очилов. – Тошкент, 2013.
4. Комилов Н., Султонмурод О. Бедил шеърятда дил тимсоли // Филология масалалари. – Тошкент, 2006.
5. Кадканий, Муҳаммадрэзо Шафъи-йэ. Шоъэр-э ойинэҳо. Барраси-йэ сабк-э хэндий ва шэър-э Бидэл. – Тэхрон: Огоҳ, 1384.
6. Комилов Н. Ирфон нури Абулмаоний. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Тошкент: Мовароуннахр, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б. 3-18.
7. Очилов Э. Бедил асарлари ўзбек тилида. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Тошкент: Мовароуннахр, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б. 128-141.
8. Мукошафат-ул қулуб. Миразиз Аъзам таржимаси. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2002. – 314 б.
9. Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 144 б.
10. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. Олтинчи китоб. / Жамол Камол таржимаси. – Техрон: Ал- Ҳудо, 2004. – 455 б.
11. Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан / Назармат таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1960. – 94 б.
12. Очилов Э. Фафур Ғулом ва Мирзо Бедил. / Эргаш Очилов // «Бедил ва ўзбек маънавияти» мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Тошканд: Мовароуннахр, 2005. – б. 118-127..
13. <https://ganjoor.net/bidel/ghazalbi/sh563/>
14. Шоалиева Н. Румий шеърятда аёл тимсоли // Миллий ва маънавий қадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжуман. ЎзХИА 2020 йил, 3 апрель. – Б. 126-128.
15. Шоалиева Н. Художественное выражение божественного совершенства в поэзии Сухраба Сепехри // Современная наука: актуальные вопросы, достижения и инновации. Сборник статей XII Международной научно-практической конференции. 20 марта 2020 года. – Пенза: Наука и Просвещение, 2020. – С. 129-131.